

ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Жуманов Абдулла Хасанович

ИИБ Шахсий хавфсизлик бош бошқармаси
маъсул ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14928233>

Мамлакатимизни демократик янгилаш энг муҳим йўналишлар – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган. Ҳар бир фуқаро Конституция ва қонунларга сўзсиз риоя қилиши демократиянинг асосий тамойилларидан ҳисобланиб, қонунларга ҳурмат, итоатгўйлик, энг аввало, ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ.

Таъкидлаш керакки, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик муносабатини сингдириш, профилактик ишларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади.

Сўнги пайтларда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг бугунги янги босқичида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бирга бошқа давлат органлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Мазкур ҳужжатда қонунийлик аҳволини ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини атрофлича муҳофаза қилиш учун жойларда, биринчи навбатда криминоген вазият номақбул бўлган ҳудудларда фуқароларнинг сайёр қабуллари хамда давлат идоралари ва

ташкilotлари вакилларининг аҳоли билан учрашувларини ташкил этиш масалалари белгилаб берилди .

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари билан бир қатор одам савдоси жиноятчилигининг пайдо бўлиши натижасида юртимизда унга қарши кураш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Айнан шунинг учун мамлакатимиз қонун чиқарувчи органи 1994 йилда шахвоний ёки бошқа масадларда одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашга жиноий жавобгарликни назарда тутувчи моддани жиноят қонунига киритди. Мамлакатимиз Конституциясининг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ҳамда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши қатъий белгилаб қўйилган .

Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади ҳам халқимизга муносиб турмуш шароитларини яратиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат. Яъни, Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” Одам савдосининг уюшган трансмиллий жиноий фаолият сифатида асосий фарқ қилувчи хусусияти бўлиб, уни содир этиш оқибатида жисмоний шахслар товарга айланадилар. Яъни одамлар сотиб олиш ёки сотиб юбориш, ҳадя қилиш, топшириш учун объект бўлишлари мумкин. Бошқача қилиб айтганда, улар жонсиз буюмларга тенглаштириладилар. Жабрланувчилар асосан ўз юртидан бошқа давлатларга транзит қилиш, чегаралардан ўтказиш орқали сотиб юборилади. Кўриниб турибдики, ушбу жиноят чегара билмайди, бу шахсларга нисбатан барча ёки айрим кўринишдаги ҳуқуқий эгалик аломатлари амалга оширилади.

Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларга содиқликни намоён қилган ҳолда, одам савдосига қарши курашишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини тўла қўллаб-қувватлаб, уларнинг деярли барчасини ратификация қилди. Шунингдек, мустақиллик йилларида давлатимиз хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик (хусусан, одам савдоси)нинг хавfli кўринишларига қарши курашиш ҳақида 29 та шартнома ва келишувларни имзолади .

Одам савдоси жиноятининг махсус профилактикасига доир фаолиятини ўрганиш асосида уни самарали ташкил этишга тўсқинлик қилувчи муаммоларни бартараф қилиш ва янада такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ўқув жараёни ҳамда ҳудудий ички ишлар органлари фаолиятда фойдаланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев: “Асосий қонунимизда умумэътироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди. Айнан биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Конституциямизда “Инсон ва унинг кадр-қиммати” деган улуғ тушунча марказий ўринга қўйилди” деб таъкидлаб фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш – мамлакатимизда доимо асосий вазифа сифатида эътироф этиб келинганлигини таъкидлаб ўтди.

Шу муносабат билан бугунги кунда бизнинг халқимизнинг менталитетига тўғри келмайдиган одам савдоси ва ахлоқсизлик билан боғлиқ жиноятларни олдини олиш бошқа турдаги салбий ижтимоий иллатларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур вазифаларни бажаришда тезкор-қидирув хизмати тезкор бўлинмалари бевосита ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизмат ходимлари, давлат органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда фаолият юритиши муҳим аҳамият касб этади.

Ана шундай ёндашув туфайли мустақиллик йилларида мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш борасида кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди ва ҳозирги вақтда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишнинг норматив-ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Хусусан, ривожланган демократик мамлакатларда одам савдосига қарши кураш бўйича татбиқ этилган илғор тажрибалар ва қонун нормаларини чуқур ўрганиш асосида 2020 йил 17 августда Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) қонунини қабул қилди. Ушбу Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида одам савдоси жиноятига жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддасида назарда тутилган одам савдоси жинояти инсонларнинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига

қарши қаратилган жиноятлардан биридир. Одам савдоси, яъни куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари билан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг ўзга шакллари, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эркисизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ажратиб олишни англатади. Олдидан тартиқсизликдаги одам савдоси одамнинг бир шахс томонидан бошқасига пул, моддий қимматликлар (мулк), мулк ҳолатидаги хизматлар, мулк ёки пул шаклидаги қарздан воз кечиш ва ҳ.к. сифатидаги ҳақ эвазига берилиши тўғрисида ёзма ёки оғзаки битим тузилишини назарда тутаяди. Бундай кўринишдаги одам савдосида одам қандай мақсадда сотиб олинганлиги (сотилганлиги) ҳуқуқий аҳамият касб этмайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни ва қидирувдаги шахсларни аниқлаш ҳамда фуқароларимизнинг ушбу жиноятлар қурбонларига айланишларини олдини олиш борасида халқаро ҳамкорликнинг ўрни юқори.

Одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- одам ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг дахлсизлигини таъминлаш;
- фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда қонунга итоаткорлик ҳуқ-атворини шакллантириш ва ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотиш;
- фуқароларни одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий ҳавфи ҳақида огоҳ этиш, шунингдек уларнинг жабрланувчига айланиши ҳавфини камайтириш;
- фуқароларни одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлардан ҳимояланишнинг усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;
- одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

- одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;
 - одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш;
 - одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил ёки содир этганлиги учун илгари судланган шахслар билан тезкор-профилактик тадбирларни амалга ошириш;
 - жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
 - одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.
- Одам савдоси жиноятининг профилактикаси бўйича фаолиятни ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсияларни билдириб ўтиш лозим:
- ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. Хусусан, таълим ва тарбиянинг ҳуқуқий таркибий қисмининг кенгайиши. Ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билиш ёш авлоднинг бошқаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, шу жумладан уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва қадр-қимматига ҳурмат туйғусини ривожлантиришга ёрдам беради;
 - одам савдосига қарши кураш субъектлари томонидан профилактик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани ўрганган ҳолда такомиллаштириб бориш.

